

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН SMART ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР ЯРАТИШГА ҚЎЙИЛУВЧИ ЛИНГВИСТИК ТАЛАБЛАР

Рустамова Нигора Шухрат кизи
Жиззах шаҳар мактабгача таълим
булимига қарашли 10-сон услубчи

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болалар билан ўқув тарбиявий фаолиятни ташкил этишда АКТ дан фойдаланишга қўйилувчи талаблар ва SMART технологияси ҳақида маълумотлар келтирилган. Хусусан, SMART технологиясининг моҳияти ва таърифлари ҳамда улардан мактабгача таълимда фойдаланишнинг аҳамияти келтириб ўтилди.

Калит сўзлар: мактабгача таълим, ўқув тарбиявий фаолият, АКТ, сифат ва самарадорлик, натижа.

Аннотация. Данной статье изложены сведения про технологию SMART и требований использования ИКТ в учебно-воспитательном процессе для дошкольных учреждений. А так же приведены суть и определение SMART, в том числе значение использование в системе дошкольного образования.

Ключевые слова: дошкольное образование, учебно-воспитательный процесс, ИКТ, качество и эффективность, результат.

Annotation. This article provides information on the requirements for the use of ICT and SMART technology in the organization of educational activities with preschool children. In particular, the essence and definitions of SMART technology and the importance of their use in preschool education are mentioned.

Keywords: preschool education, educational activities, ICT, quality and efficiency, results.

Бугунги кунда таълимни инсонпарварлаштириш ва модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар мактабгача таълим тизими педагогларида инновацион фаолият олиб боришни тақозо этмоқда. Хусусан, рақамли ўқитиш усулларида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш масаласини ҳал этиш қатор ҳукумат ҳужжатларида белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ

равишда жамиятнинг бу йўналишда муносабати интенсив таркиб топиб бормоқда. Хусусан, мактабгача таълим соҳасини такомиллаштиришдан кутилаётган муҳим натижа болаларни мактаб таълимига комплекс тайёрлаш, уларда рақобатбардошлик, янгича фикрлаш, когнитив ривожланиш мотивациясини кучайтириш, юксак маънавий фазилатлар ҳамда шахс сифатларини тарбиялаш вазифаларини ҳал этишда қўлланилувчи усул ва воситаларни оптималлаштириш миллий мактабгача педагогика соҳасида мақсадли тадқиқотларни олиб бориш эҳтиёжини кучайтирди.

“Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурининг 3-боби мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашувга қаратилган бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув ўсиб бораётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, «Мен» образини қуриш билан боғлиқ бўлган фаолият усуллари шакллантиришга тайёргарликни кўзда тутди¹⁰.

Мактабгача таълим ташкилотида ўқув тарбиявий фаолиятни ташкил этишда компьютерли ўқитиш ресурсларидан фойдаланиш болаларнинг қизиқувчанлик ва кузатувчанлик қобилиятларини ривожлантиради, ўзини қуршаб турган оламни билишга бўлган қизиқишини ўстиради, ўз-ўзини намоён қилиш қўникмаларини эгаллашга имкон беради.

Мактабгача ёшдаги болалар ўйин орқали оламни англайдилар. Атроф олам билан танишади- лар. Бу жараёнда ўзаро алоқадорлик тамойилига амал қилиш зарурати мавжуддир, бу эса аввало, оламнинг яхлитлиги ва бутунлигини тасаввур қилишни шакллантиради. Маълумки, ҳар бир бола ўзининг шахсий тажрибаси асосида атрофидаги воқеа-ҳодисаларнинг, оламнинг такрорланмас моделини онгида тасаввур қилади. Болалар ўйин ва кузатиш орқали янги билимлар, тасаввурлар асосида онгида шаклланган маълумотлар учун асосли далилларни излашга қизиқадиладар. Натижада боланинг тасаввурлари доимий мунтазам ўзгарувчан муҳитда кенгайиб боради. Болаларда катталарга

нисбатан хурмат, самимийлик, Она Ватани, халқига ва ўз ота-онасига мухаббат, бирдамликда меҳнат қилишдан қувониш ҳислари таркиб топади. Санаб ўтилган жараёнларни янада ранг-баранг ва тез муддатда амалга ошиши ва болаларда зарур ҳажмда маълумотлар захирасининг шаклланишида АКТнинг имкониятлари каттадир. Айниқса, компьютерли дастурлар мазмуни боланинг ёши, қизи- қиши, саломатлиги, психологик ҳолати, она тилини тушуниш даражасига мос тайёрланса, мактабгача таълимнинг самарадорлиги ошади. Зеро, бугунги кунда дунёда ахборот-коммуникация технология- лари ривожланиш индекси (ICT Development Index) бўйича етакчилик қилаётган давлатларда (Жанубий Корея, Дания, Швеция, Бельгия, Сингапур) таълим соҳасида маълумотлар базаси, коммуникатив тармоқлар ва SMART-технологиялардан кенг миқёсида фойдаланиш мақсадида ўқув жараёни бошқарувининг ахборот тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. АКТ асосида яратилган ўқув-услубий воситаларнинг SMART технологиясига асосланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу технология компьютер дастурини фақат ўйин ёки оддий доскада тушунтириш лозим бўлган бирор бир материални электронлаштириб, таълим олувчининг вақтини олишга йўнал- тирилган бўлмаслиги лозим. Чунки охириги пайтларда амалиётда қўлланилаётган АКТ воситалирга асосланган аксарият электрон ресурсларнинг шакли, мазмуни ва баёни таълим олувчини у қадар жараёнга тортаётгани йўқ. Аксинча, уларда чарчаш, психологик зўриқиш ва бошқа нохуш ҳолат- ларни юзага келтирмоқда. Шунинг учун биз “Мактабгача математика таълими самарадорлигини оширишда ахборот коммуникацион ва ўйинли технологиялардан фойдаланиш” мавзусида олиб бораётган илмий тадқиқот ишимизга оид кузатувларимиз орқали SMART технологиясининг дидак- тик имкониятларини ўргандик. “SMART” атамаси дастлаб 1954 йилда олим, иқтисодчи, педагог Питер Фердинанд Друкер томонидан киритилган. Ушбу технологиянинг самарадорлигини асослаган ҳолда Paul J Meyer (1965 й.) ҳамда йили эса George T. Doran (1981 й.)ўз илмий ишларида қўлла- ганлар. SMART терминининг маъноси: “Specific” (ўзига хос), “Measurable” (ўлчамли),

“Attainable” (эришимли), “Relevant” (долзарб, қизиқарли), “Time-bound” (регламентли, аниқ муддатли) инглизча сўзларининг бош ҳарфлари билан ифодаланган.

Ушбу технология асосида мактабгача ёшдаги болалар учун математик топшириқлар ҳамда мантиқий тафаккурни ривожлантирувчи тренажёрлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу воситаларни яратишда тилнинг лингвистик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш талаб этилсада, бироқ хусусий тамойиллар тақозо этилади. Жумладан:

матн яратишда ихчамлилик ва етакчи ғоянинг шаблонли асосда акс этишига устуворлик бериш;

болани қизиқтириш ва мотивациясини ошириш учун ранг-баранглик ва ўйинли ёндашувларга таяниш;

намоиш пайтида топшириқларнинг кичик-кичик қисмларга бўлинган ҳолда натижаларга эришилганликнинг акс этиш оралиғи қисқа бўлиши;

болага хато қилиш имкониятининг мавжудлиги ва хато устида ишлаш учун мурожаатларнинг “шу ерда ва ҳозир” муносабати асосида тайёрланиши;

қайта алоқанинг мавжудлиги ва унинг бола ёши ва тажрибасига мос бўлиши;

матн мазмунида мажуд сўзлар ва тушунчаларнинг болаларнинг ёшига ва изоҳли асосга эгаллигига эътибор бериш.

Энг муҳими электрон ресурс тайёрлашда мактабгача ёшдаги болалар учун 15 дақиқадан ошмаслигини, натижанинг эришимлилиги, болалар учун қизиқари мавзуларда бўлиши (давлат талабларида акс этган мавзулар доирасида), аниқ фактли маълумотларга асосланган бўлиши (болаларнинг нега?, нимага?, қачон? саволларига жавоб топиладиган) муҳимдир. Бундан ташқари тайёрланадиган электрон ресурслар миллий кадриятлар, урф одатларга ҳурмат, толерантлик, инсонпарварлик тамойилларига мос бўлиши ҳам электрон ресурсларнинг тайёрланишига қўйилувчи педагогик талаблардандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. – Т.: Fan va texnologiya, 2008.- 160 б.

Турғунов С., Мақсудова Л. ва бошқ. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш технологиялари. – Т.: Сано-стандарт, 2012-100 б.

Ф.Фребель Будем жить для наших детей. //Серия Психология детство. Классическая наследие.- Екатеринбург; У-Фактория, 2005.-248 с.